Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров тўғрисидаги шартномада тарафларнинг номи, жойлашган ери (яшаш жойи), гаровнинг тури, гаров нарсаси ва унинг баҳоси, гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг моҳияти, миқдори ва бажарилиш муддати, гаровга қўйилган мол-мулкнинг тавсифи, шунингдек тарафларнинг келишувига эришилган бошқа маълумотлар ёхуд гаров нарсасини ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятни идентификация қилиш учун етарли бўлган маълумотлар кўрсатилади. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши керак.

Гаров нарсаси мол-мулкни умумий тавсифлаш орқали, шу жумладан мазкур мол-мулкни алоҳида тур ёки тасниф сифатида тавсифлаш воситасида идентификация қилиниши мумкин.

Гаров билан таъминланадиган мажбурият гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан қопланиши мумкин бўлган мажбуриятнинг энг кўп суммасини кўрсатиш йўли билан идентификация қилиниши мумкин.

Гаров нарсасини баҳолаш гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ гаров нарсасини баҳолашдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади»;

3) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровда турган мол-мулкни гаровга қўювчи томонидан ўзга шахсга (гаровга олувчига) бошқа талабларни таъминлаш учун бериш навбатдаги гаров ҳисобланади.

Навбатдаги гаровга, агар у гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда тақиқланмаган бўлса ҳамда башарти олдинги ва навбатдаги гаровга олувчилар томонидан гаров реестрига тегишли ёзув киритилган бўлса, йўл қўйилади.

Агар олдинги гаров шартномасида навбатдаги гаров шартномасини тузиш мумкин бўлган шартлар назарда тутилган бўлса, бундай гаров шартномаси олдинги шартномада кўрсатилган шартларга амал қилган ҳолда тузилиши керак. Кўрсатилган шартлар бузилган тақдирда олдинги гаровга олувчи шу туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни гаровга қўювчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Навбатдаги гаровга олувчининг талаби олдинги гаровга олувчиларнинг талабларидан кейин, қонунда белгиланган тартибда ушбу мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилади.

Гаровга берувчи гаровга олувчиларнинг ҳар бирига мазкур мол-мулкнинг барча мавжуд гаровлари тўғрисида, шунингдек ушбу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг миқдори ҳақида хабар бериши шарт ҳамда бу мажбуриятлар бажарилмаганлиги туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарарлар учун жавобгар бўлади»;

4) **16-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровга қўювчидан ушбу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи (хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи) гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно»;

5) **19-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«учинчи шахсларни гаров нарсасига бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш орқали хабардор қилиш»;

**иккинчи – тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**тўққизинчи хатбошиси** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлардан кейин «ёки шартномада» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **25-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлаш учун гаровни тақдим этган учинчи шахс (мулкий кафил) ундирувни гаров нарсасига қаратишдан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни гаров нарсасининг қиймати доирасида бажаришга ҳақлидир»;

7) **27-модда**:

**учинчи қисмидаги** «суд қарорига мувофиқ» деган сўзлар «суд ҳужжатига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг розилиги ёки рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса»;

8) **28-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган, гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда реализация қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида, электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни очиқ кимошди савдосида сотишни бир йил муддатгача кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкнинг гарови билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди ҳамда кредиторнинг кечиктириш вақти мобайнида кўпайган зарарларининг ўрнини қоплашдан ва неустойкани тўлашдан қарздорни озод этмайди.

Агар мол-мулк бир нечта кредитор олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари мазкур мажбуриятларни қонунда белгиланган навбат бўйича бажаришга йўналтирилади.

Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш, бевосита сотиш, кредитга, лизингга, ижарага бериш, бўлиб-бўлиб сотиш йўли билан ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, у, қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда, қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчиларнинг гаров билан таъминланган талаблари миқдоридан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтарилади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини бажариш чоғида реализация қилиш бўйича кимошди савдолари электрон онлайн-аукцион шаклида амалга оширилади»;

9) **29-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**29-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни суддан ташқари тартибда қоплаш учун қабул қилиш**

Кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишувга кўра, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарсасини реализация қилинмаган гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли. Бунда гаровга олувчи ўзида олиб қолинаётган мол-мулкнинг қабул қилинаётган қиймати билан мажбуриятнинг қопланган миқдори ўртасидаги ижобий фарқни (мавжуд бўлган тақдирда) тўлаши шарт.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади»;

10) **32-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «кимошди савдосида сотилган» деган сўзлар «реализация қилинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **36-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гаровга олувчи томонидан учинчи шахсга сақлаш учун берилган гаров нарсаси гаровга олувчида қолдирилган деб ҳисобланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **92-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ташқи бошқарув жорий этилишидан олдин, мазкур тартиб-таомил жорий этилгандан кейин олинган ҳосилга, маҳсулотга ва қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкидан фойдаланишдан олинган даромадларга нисбатан кредиторнинг ўз талабларини бажариш таъминоти сифатидаги ҳуқуқи татбиқ этилмайди»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **93-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредиторнинг илтимосномасига биноан суд қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида мазкур кредиторнинг фойдасига қайси пул мажбуриятлари бўйича мол-мулк берилган бўлса, ўша пул мажбуриятларини мораторийнинг таъсир доирасидан чиқариш тўғрисида, агар мол-мулк ташқи бошқарувни амалга ошириш учун зарур бўлмаса, ажрим чиқариши мумкин»;

3) **125-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тугатишга доир иш юритиш бошланишидан олдин, мазкур иш юритиш бошлангандан кейин олинган ҳосилга, маҳсулотга ва қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкидан фойдаланишдан олинган даромадларга нисбатан кредиторнинг ўз талабларини бажариш таъминоти сифатидаги ҳуқуқи татбиқ этилмайди»;

**иккинчи – тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **131-модданинг учинчи қисмидаги** «гаров нарсаси бўлган» деган сўзлар «мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида турган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **133-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**133-модда. Кредиторларнинг қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган талабларини қаноатлантириш**

Кредиторларнинг қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу мол-мулк сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблағларнинг қолдиғи кредиторларнинг талабларини ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантириш учун мўлжалланади.

Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкини сотишдан тушган сумма кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларини тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмай қолса, талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантирилиши керак.

Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкини реализация қилиш бўйича очиқ кимошди савдоси ва (ёки) такрорий очиқ кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилган тақдирда, мазкур мол-мулк талаблари ушбу мол-мулк билан таъминланган кредиторларга ўз талаблари ҳисобига ўтказиш учун белгиланган тартибда қабул қилиш учун таклиф этилади. Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкининг бозор қиймати кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларидан кўп бўлса, бунда юзага келган фарқнинг ўрни мазкур мол-мулкни ўз талаблари ҳисобига қабул қилаётган кредиторлар томонидан пул шаклида қопланади.

Агар қарздорнинг бутун мол-мулки мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида қабул қилинган бўлса ва мазкур мол-мулкни сотишдан тушган сумма кредиторларнинг қарздорнинг барча мол-мулки билан таъминланган талаблари суммасидан кам ёки унга тенг бўлиб қолса, ушбу кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган харажатларнинг ўрни қопланганидан ва талаблар қаноатлантирилганидан кейин ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қаноатлантирилганидан кейин амалга оширилади»;

6) **134-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иккинчи навбатда мажбурий тўловлар бўйича, мажбурий суғурта бўйича, банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар, шунингдек кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни сотишдан тушган сумма етарли бўлмаганлиги туфайли қопланмай қолган қарздорликка таааллуқли қисми борасидаги талаблари ҳамда кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **290-модда**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи томонидан гаров реестрига бир кун ичида тегишли ёзув киритилади, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилгандан кейин эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичида шундай ёзув киритилади»;

**саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **295-модданинг матни** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда гаров реестридан мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги ёзув чиқариб ташланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$259^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$259^{1}$-модда. Кредиторларнинг талабларини қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулки ҳисобидан қаноатлантириш**

Қарздор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, кредиторнинг мол-мулк билан таъминланган мажбуриятлар бўйича талаблари ушбу мол-мулкнинг қийматидан мазкур мол-мулк ўзига тегишли бўлган шахснинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилади. Кредиторнинг имтиёзли ҳуқуқи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкидан фойдаланишдан ёки уни реализация қилишдан олинган ҳосилга, маҳсулотга ва бошқа даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредиторлар гаров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредиторлар олдидаги ўз талабларини қаноатлантиришда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Айни бир мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига ёзув киритган кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбатга мувофиқ қаноатлантирилади:

биринчи навбатда мазкур мол-мулкни ушлаб қолиш орқали таъминланадиган мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;

иккинчи навбатда мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни олиш ёки кредитор томонидан ушбу мол-мулкни қарздорга беришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;

учинчи навбатда, агар мол-мулк кредитор томонидан тақдим этилган маблағлар ёки мол-мулк ҳисобидан олинган (ишлаб чиқарилган) бўлса, мол-мулк билан таъминланадиган мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;

тўртинчи навбатда мазкур мол-мулк билан таъминланган бошқа барча мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати улар томонидан гаров реестрига тегишли мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни киритишнинг хронологик тартибига (вақти ва санасига) мувофиқ аниқланади. Бунда кредиторларнинг ҳар бир кейинги навбатдаги талаблари кредиторларнинг олдинги навбатдаги талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан сўнг қаноатлантирилади.

Мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестрига киритмаган кредиторларнинг талаблари мазкур мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестрига киритган кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан кейин ушбу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда, бундай ҳуқуқлар юзага келишининг календарь навбатига мувофиқ қаноатлантирилади.

Кредитор ўз талабини қаноатлантириш навбатидан ўзганинг фойдасига воз кечишга, агар бу воз кечиш бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўймаса, ҳақли»;

2) **264-модданинг иккинчи қисмидаги** «қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин» деган сўзлар «қонунда назарда тутилган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **271-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг моҳияти, миқдори ва бажарилиш муддати ёхуд гаров нарсасини ҳамда гаров билан таъминланадиган мажбуриятни идентификация қилиш учун етарли бўлган маълумотлар кўрсатилади. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши керак.

Гаров нарсаси мол-мулкни умумий тавсифлаш орқали, шу жумладан мазкур мол-мулкни алоҳида тур ёки тасниф сифатида тавсифлаш воситасида идентификация қилиниши мумкин.

Гаров билан таъминланадиган мажбурият гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан қопланиши мумкин бўлган мажбуриятнинг энг кўп суммасини кўрсатиш йўли билан идентификация қилиниши мумкин.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулкка доир битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради»;

4) **273-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровда турган мол-мулк гаровга қўювчи томонидан бошқа талабларни таъминлаш учун гаровга (навбатдаги гаровга) берилиши мумкин.

Навбатдаги гаровга, агар у гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда тақиқланмаган бўлса ҳамда башарти олдинги ва навбатдаги гаровга олувчилар томонидан гаров реестрига тегишли ёзув киритилган бўлса, йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига ушбу мол-мулкнинг мавжуд бўлган барча гаровлари ҳақида маълум қилиши шарт ва у ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Агар олдинги гаров шартномасида навбатдаги гаров шартномасини тузиш мумкин бўлган шартлар назарда тутилган бўлса, бундай гаров шартномаси олдинги шартномада кўрсатилган шартларга амал қилган ҳолда тузилиши керак. Кўрсатилган шартлар бузилган тақдирда олдинги гаровга олувчи шу туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни гаровга қўювчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Агар гаровга қўйилган мол-мулк бошқа талабларни таъминлаш учун яна бир гаровнинг (навбатдаги гаровнинг) нарсасига айланса, навбатдаги гаровга олувчининг талаблари ушбу Кодексда белгиланган тартибда мазкур мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилади»;

5) **280-модда**:

**учинчи қисмидаги** «суд қарорига» деган сўзлар «суд ҳужжатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг гаров тўғрисида шартнома тузиш учун розилиги ёхуд рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса»;

6) **281-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган, гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни очиқ кимошди савдосида сотишни бир йил муддатгача кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкнинг гарови билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди ҳамда кредиторнинг кечиктириш вақти мобайнида кўпайган зарарларининг ўрнини қоплашдан ва неустойкани ундиришдан қарздорни озод қилмайди.

Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш, бевосита сотиш, кредитга, лизингга, ижарага бериш, бўлиб-бўлиб сотиш йўли билан ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

Кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда (ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилган тақдирда) гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишувга кўра, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарсасини реализация қилинмаган гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаса, гаров тўғрисидаги шартнома бекор қилинади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, у, қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда, қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчиларнинг гаров билан таъминланган талаблари миқдоридан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтарилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси реализация қилингунига қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг муддати ўтказиб юборилган қисмини бажариб, ундирувни гаров нарсасига қаратишни ва уни реализация қилишни тугатишга ҳақли. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир»;

7) **282-модда иккинчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) бошқа кредиторлар томонидан ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилганда, шу жумладан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилганда»;

8) **283-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, шунингдек уни реализация қилиш мумкин бўлмаган тақдирда (ушбу Кодекснинг 281-моддаси). Ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган реестрда ипотека тугатилганлиги тўғрисида белги қўйилган бўлиши керак»;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

9) **284-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровга қўювчидан ушбу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно»;

10) **285-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун (ушбу Кодекснинг 204-моддаси)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **289-модданинг еттинчи қисмидаги** «(ушбу Кодекс 281-моддасининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари)» деган сўзлар «(ушбу Кодекснинг 281-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **422-модда**:

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни товарга қаратишга ҳақли»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарни кредитга сотиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган тақдирда, сотиб олувчи олинган товар улушининг ҳақи тўланган қисмини мажбуриятларни бажариш таъминоти сифатида беришга ҳақли»;

13) **595-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Лизинг шартномасида назарда тутилган тақдирда, лизинг олувчи бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида лизинг объектини мазкур объект қийматининг лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларининг қолган суммасидан ортиқ бўлган қисми бўйича бериши мумкин»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

14) **597-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ёки лизинг объектини қайтариб олган» деган сўзлар «ёки гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни лизинг объектига қаратган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган **«Лизинг тўғрисида»**ги 756–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2016 йил, № 12, 384-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «лизинг объектини қайтиб олган» деган сўзлар «гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни лизинг объектига қаратган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **21-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномасида назарда тутилган тақдирда, лизинг олувчи бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида лизинг объектини мазкур объект қийматининг лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларининг қолган суммасидан ортиқ бўлган қисми бўйича бериши мумкин»;

3) **23-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«23-модда. Пул суммаларини ундириш ва ундирувни лизинг объектига қаратиш**

Пул суммаларини ундириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади, ундирувни лизинг объектига қаратиш эса ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **51-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«51-модда. Ундирувни қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкига қаратиш**

Қарздорнинг бошқа мол-мулки ушбу мол-мулк билан таъминланмаган, қарздорга қўйилган барча талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, талаблари мазкур мол-мулк билан таъминланган кредиторнинг белгиланган ҳуқуқларига, шунингдек ушбу Қонуннинг 6-бобида назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда ундирув қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкига қаратилиши мумкин. Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулк хатлаб қўйилганда давлат ижрочиси хатлаш амалга оширилганидан кейин уч кунлик муддатда бу ҳақда талаблари ушбу мол-мулк билан таъминланган кредиторларга билдиришнома юборади.

Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкини реализация қилишдан тушган сумма ундирув мазкур мол-мулкка қаратилиши, уни реализация қилиш ва кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган, ундириш учун билдирилган талабларини қаноатлантириш муносабати билан қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш учун зарур суммалар ушлаб қолинганидан кейин ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақсимланади.

Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкини реализация қилишдан тушган сумма кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларини тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмай қолса, у ҳолда кўрсатилган талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 80-моддасида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантирилади.

Агар ундирув қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган талабларни қаноатлантириш учун қаратилган бўлса, у ҳолда ундирув қарздорнинг бошқа мол-мулки мавжудлигидан ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, биринчи навбатда қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган тегишли мол-мулки предметига қаратилади»;

2) **53-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Мол-мулк хатловини амалга оширган давлат ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров реестрига тегишли ёзувни киритади.

Хатлов бекор қилинган тақдирда гаров реестрига илгари киритилган ёзув давлат ижрочиси томонидан ўчирилади»;

3) **54-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит бўйича қарздорликни сўндириш ҳисобига ундирув қаратилаётган гаровга қўйилган мол-мулк қўшимча баҳоланмайди ҳамда тижорат банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича реализация қилинади»;

4) **56-модда**:

**олтинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни ушбу мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилиш чоғида мол-мулкни арзонлаштириш амалга оширилмайди ва ушбу мол-мулк биринчи марта баҳоланган нарх бўйича савдо ташкилоти томонидан қайта реализация қилиш учун топширилади»;

**еттинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулк ушбу мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси ундирувчига такрорий аукцион савдосидаги ёки савдо ташкилотлари томонидан қайта реализация қилиш чоғидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоиз камроқ суммадаги мол-мулкни ўзида қолдиришни таклиф қилади»;

**тўққизинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир навбатдаги талаблар бўйича бир нечта ундирувчи мавжуд бўлган тақдирда, таклифлар ижро ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига келиб тушиш навбатига мувофиқ, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкка нисбатан эса қонунда белгиланган навбатга мувофиқ давлат ижрочиси томонидан ундирувчиларга юборилади»;

**ўнинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда» деган сўзлар «талаби реализация қилинмаган мол-мулк билан таъминланган кредитор реализация қилинмаган мазкур мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **80-модданинг тўртинчи** ва **бешинчи қисмларидаги** «гаров» деган сўз «мол-мулк» деган сўз билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Ипотека тўғрисида»**ги ЎРҚ–58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) **50-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд қарорларининг ижросини амалга оширувчи орган ёки, агар ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилган бўлса, аукцион ташкилотчиси гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан олинган тушумни қонунда назарда тутилган навбат тартибида тақсимлайди. Бунда кимошди савдосини ёки аукционни ўтказиш учун қилинган чиқимлар ва харажатларнинг ўрнини қоплаш бошқа барча қолган талабларни қоплашдан олдин навбатдан ташқари тартибда амалга оширилади».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда) **60-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи жумлалар** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома билан бир вақтда давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ қарзи белгиланган муддатда қопланмаган тақдирда ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги солиқ қарзи суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритилади. Ёзув солиқ қарзи тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилади».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда) **348-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тўловчи томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддат ичида тўланмаган тақдирда, божхона органи ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги божхона тўловлари бўйича қарзнинг суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритади. Ёзув божхона тўловлари бўйича қарз тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилади»;

**бешинчи қисм олтинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **171-модда** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса»;

2) **172-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) тўланмаган тўловлар суммасининг ҳисоб-китоби ва ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулкнинг тавсифи»;

3) **178-модда биринчи қисмининг 6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) ундирилиши лозим бўлган пул суммаларининг миқдори ёки ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулк, унинг тавсифи ва баҳоси».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **135-модданинг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса»;

2) **136-модда иккинчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, ундирув қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулкка қаратилган тақдирда эса, ундирилаётган кўчар мол-мулкнинг тавсифи ва тўланмаган тўловлар суммасининг ҳисоб-китоби»;

3) **145-модданинг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) ундирилиши лозим бўлган пул суммаларининг миқдори ёки ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулк, унинг тавсифи ва баҳоси».

**12-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**14-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан мазкур Қонун у кучга кирганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун кучга кирганидан кейин олти ой ичида тергов ва суриштирув органлари, давлат солиқ хизмати органлари, давлат божхона хизмати органлари ҳамда бошқа давлат органлари, шунингдек ўз талабларининг гаров реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мулкий таъминотига эга бўлган кредиторлар қарздорларнинг мол-мулкига бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни гаров реестрига ёзувни рўйхатдан ўтказиш санаси сифатида олдинги даврда тегишли мулкий таъминотни ташкил этиш санасини кўрсатиш йўли билан киритишга ҳақли.

Кредиторларнинг қарздорлар мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги, кўрсатилган муддат ўтгандан кейин гаров реестрига киритилган талаблари белгиланган тартибда навбатга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 октябрь
№ ЎРҚ—572

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Валютани тартибга солиш тўғрисида

(янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**валюта курси** – чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси валютасига нисбатан курси;

**валютани назорат қилиш** – валютани назорат қилувчи органларнинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

**валюта операциялари** – валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар;

**валютани тартибга солиш** – валюта қимматликларининг муомалада бўлиш тартибини, валюта қимматликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш қоидаларини белгилаш юзасидан валютани тартибга солиш органининг фаолияти;

**валюта қимматликлари** – чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф қуйма олтин;

**чет эл валютаси** – муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гуруҳлари) ҳудудида нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гуруҳларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар;

**чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосилавий молия воситалари (валюта деривативлари)** – чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича шартномалар бўлиб, ушбу шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг миқдорига ёхуд унинг курси ўзгаришига қараб амалга оширилади;

**Ўзбекистон Республикаси валютаси (миллий валюта)** – Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги (сўм).

**5-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари**

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

валютани тартибга солиш ҳамда валютани назорат қилиш тизимининг ягоналиги;

валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги;

резидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги.

**6-модда. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган барча юридик шахслар, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида жойлашган филиаллари ва ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, қароргоҳлари Ўзбекистон Республикасида жойлашган халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси резидентларидир (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади).

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ резидент тушунчаси доирасига кирмайдиган шахслар Ўзбекистон Республикаси норезидентларидир (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади).

**2-боб. Валютани тартибга солиш**

**7-модда. Валютани тартибга солувчи давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солувчи давлат органидир (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади).

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида:

норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида амал қилиниши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини белгилайди;

валюта биржалари фаолиятини лицензиялайди ва тартибга солади;

банклар учун очиқ валюта позициясининг лимитларини белгилайди;

умум эътироф этилган халқаро амалиётга мувофиқ валюта операцияларининг ва ташқи секторнинг статистикасини тайёрлайди ҳамда эълон қилади;

(Давоми 4-бетда).

Халқ сўзи

2019 йил 23 октябрь

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Валютани тартибга солиш тўғрисида

(янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1 ва 3-бетларда).

резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларини мониторинг қилиш тартибини белгилайди, шу жумладан валютани назорат қилувчи органлар билан биргаликда белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси банклари учун валюта операциялари ҳисоби ва ҳисоботи шаклларини ҳамда уларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

ташқи сектор статистикасини тузиш учун барча резидентлар ва норезидентлар томонидан тақдим этилиши мажбурий бўлган валюта операцияларининг ҳисоби ва ҳисоботи шаклларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси банкларининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишга доир фаолиятини тартибга солишни ва назорат қилишни амалга оширади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида валюта операцияларининг барча турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

**8-модда. Валюта курси**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, шартномавий асосда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси валютасининг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлашда фақат бозор механизмларидан фойдаланилади.

Марказий банк чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилашда чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф асосида валюта курсини аниқлаш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутади.

Марказий банк валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ҳисоботлар ва бошқа ҳисоботлар мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун валюта курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун тарифлар, нархлар, шу жумладан миллий электрон савдо майдончаларидаги шундай тарифлар, нархлар, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондлари (устав капиталлари) миқдорларига доир талаблар фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига йўл қўйилмайди.

Давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида ундирилади, бундан консуллик йиғимлари мустасно.

**10-модда. Резидентларнинг валюта қимматликлари ва улардан фойдаланилиши**

Резидент жисмоний шахслар валюта операцияларини амалга ошириш мақсадида:

ўз мулкида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган, ўтказилган ёки жўнатилган, Ўзбекистон Республикасида олинган ёки сотиб олинган валюта қимматликларига эга бўлишга ва улардан ўз ихтиёрига кўра фойдаланишга;

носавдо тусидаги халқаро трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга оширишга;

валюта қимматликларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига олиб киришга, ўтказишга ва жўнатишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга, ўтказишга ҳамда жўнатишга ҳақли.

Резидент юридик шахслар валюта операцияларини амалга ошириш мақсадида:

ўз мулкида валюта қимматликларига эга бўлишга;

чет эл валютасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига ўтказишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ўтказишга ҳақли.

**11-модда. Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш**

Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш норезидент мажбуриятларининг қуйидагилар орқали тўлиқ ёки қисман бажарилишидир:

норезидентнинг мажбуриятлари бўйича пул маблағлари ёки товар келиб тушиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши);

норезидентнинг мажбуриятини бир турдаги қарши талабларни ҳисобга олиш йўли билан тугатиш;

норезидентнинг томонлар ўртасидаги мавжуд дастлабки мажбуриятини худди ўша шахслар ўртасидаги бошқа предметни ёки бажариш усулини назарда тутувчи ўзга мажбурият билан алмаштириш йўли билан тугатиш;

суғурта тўловларини олиш.

Агар резидент норезидентга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа резидент фойдасига воз кечса, репатриация қилиш тўғрисидаги талабнинг бажарилишини таъминлашга доир тегишли мажбурият талаб қилиш ҳуқуқини қабул қилган резидентга ўтади.

Резидент (норезидент) ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминлаши шарт.

Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш муддати норезидентнинг мажбуриятлари юзага келган санадан эътиборан 180 кундан ошиб кетса, мазкур операция капитал ҳаракатининг операцияси сифатида баҳоланади.

**12-модда. Резидентларнинг ҳисобварақлари**

Резидентлар Ўзбекистон Республикасининг банкларида чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Резидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси банкларида ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл валютасида ҳисобварақлар ҳамда омонатлар очишга ҳақли.

Резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга, башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси валютасида ёки чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва улардан фойдаланиш мақсадлари назарда тутилган қарорлари ёхуд Ўзбекистон Республикасининг шундай халқаро шартномалари мавжуд бўлса, йўл қўйилади.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очганидан кейин рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органларини ҳамда Марказий банкни ҳисобварақлар очилганлиги (ёпилганлиги) тўғрисида ва ҳисобварақларнинг реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқлар ва айланмалар тўғрисида Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ҳар чоракда, ҳисобот чораги тугаганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик фаолиятини ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги ваколатхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда ушбу ҳисобварақлардан фойдаланишга уларнинг хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг хорижда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим ва ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

Резидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банклардаги ўз ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ўз ҳисобварақларига чет эл валютасини чекловларсиз ўтказиш ҳуқуқига эга.

**13-модда. Норезидентларнинг ҳисобварақлари**

Норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларида чет эл валютасида ва Ўзбекистон Республикаси валютасида банк ҳисобварақларини очишга ва улардан фойдаланишга ҳақли.

Фаолиятни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириш норезидент юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларини очиши ва улардан фойдаланиши учун мажбурий талабдир.

**3-боб. Валюта операциялари**

**14-модда. Валюта операцияларининг турлари**

Валюта операциялари ички ва халқаро (трансчегаравий) операцияларга бўлинади.

Ички валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган операциялардир.

Халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ва капитал ҳаракати (капитал ўтказмалари) операцияларига бўлинади.

**15-модда. Жорий халқаро операциялар**

Жорий халқаро операциялар жумласига қуйидагилар киради:

ташқи савдони, бошқа жорий фаолиятни юритиш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) муносабати билан тўланиши лозим бўлган барча тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар, лизинг бўйича фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши лозим бўлган тўловлар;

кредитни (қарзни) тўлаш даврида қарзнинг олинган, шартномада кўрсатилган тўлаш даврлари сонига нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинган қисмининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги суммани тўлаш;

носавдо тусидаги пул ўтказмалари.

Носавдо тусидаги пул ўтказмалари жумласига қуйидагилар киради:

жисмоний шахслар ўртасида юз миллион сўм эквивалентигача бўлган миқдордаги пул ўтказмалари;

шахсий эҳтиёжлар учун товарларга (хизматларга, ишларга) ҳақ тўлаш;

иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;

ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;

таълим, даволаниш ва туризм учун ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;

нотариал ва терговга ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;

суднинг, арбитражнинг, шунингдек тергов органларининг ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағларини тўлаш;

халқаро конгрессларда, симпозиумларда, конференцияларда, спорт тадбирларида ва маданий тадбирларда, шунингдек бошқа халқаро учрашувларда, кўргазмаларда ва ярмаркаларда иштирок этиш учун тўловлар, бундан инвестицияга оид ва моддий харажатлар мустасно;

вафот этганни дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;

муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;

халқаро нотижорат ташкилотларга бадаллар.

Жорий халқаро операциялар ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда чет эл валютасини резидентлар ва норезидентлар томонидан сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

**16-модда. Капитал ҳаракати операциялари**

Капитал ҳаракати операциялари жумласига жорий халқаро операциялар бўлмаган барча халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари, шу жумладан қуйидагилар киради:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш, жумладан резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш;

кредитлар (қарзлар) олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш;

чет давлатлардан маблағларни жалб этиш ҳамда уларни чет давлатлардаги ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқни тўлиқ олиш ёки сотиш.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва бошқа ваколатхоналарининг эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва қуриш бўйича капитал ҳаракати операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларни норезидентлар томонидан сотиб олиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Марказий банк билан биргаликда белгиланади.

**17-модда. Резидентлар ўртасидаги валюта операциялари**

Резидентлар ўртасидаги валюта операцияларига қуйидагилар амалга оширилаётганда йўл қўйилади:

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро ташишларда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

воситачилар (вакиллар) томонидан норезидентлар билан товарларни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборот ва интеллектуал фаолият натижаларини, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бериш бўйича шартномалар тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар, шу жумладан комитентларга (ишонч билдирувчиларга) пул суммаларини (бошқа мол-мулкни) қайтаришга доир операциялар;

тузилган шартномалар асосида транспорт-экспедиторлик хизматларини реализация қилишдан экспедиторлик компанияларининг ҳисобварағига хориждан келиб тушаётган чет эл валютасидаги маблағларни ҳисоб-китоб қилишни ва ўтказишни назарда тутувчи операциялар;

жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарлари амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларини тўлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш бўйича операциялар, шунингдек хизмат сафарлари муносабати билан берилган, сарфланмай қолган бўнакни қайтаришга доир операциялар;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарига ҳисоб-китобларни ва ўтказмаларни бажаришни назарда тутувчи операциялар;

резидент жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақлардан бошқа резидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига носавдо операциялар бўйича ўтказмалар;

транспорт ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахсларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмалари ўртасида йўловчилар ташишга оид шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

агар охирги харидор ёки сотувчи норезидент бўлса, воситачилар (вакиллар) томонидан мажбуриятлар клиринг натижалари бўйича бажарилиши лозим бўлган шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар;

мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида валюта қимматликларидан фойдаланиш, шунингдек уларни ундириш билан боғлиқ операциялар;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) валюта қимматликларини киритиш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар;

банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар;

хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар;

мерос ҳуқуқи бўйича валюта қимматликларини олиш билан боғлиқ операциялар.

Резидентлар ўртасида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган валюта операциялари тақиқланади.

**18-модда. Норезидентлар ўртасидаги валюта операциялари**

Норезидентлар жорий халқаро операциялар билан боғлиқ ўтказмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги банклардаги ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси банкларидаги банк ҳисобварақларига ёки Ўзбекистон Республикаси банкларидаги банк ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги банк ҳисобварақларига ўзаро амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Норезидент жисмоний шахслар носавдо тусидаги ўтказмаларни Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларидан бошқа норезидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига амалга ошириши мумкин.

Норезидентлар Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига қимматли қоғозлар билан боғлиқ валюта операцияларини ўзаро амалга ошириши мумкин.

**19-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ҳамда сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида банклараро валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилади.

**20-модда. Валюта операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси банклари Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳамда хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақларига ва бошқа ҳисобварақларга эга бўлишга, чет эл валютасини, шу жумладан валюта деривативларини бевосита ўзлари ўртасида, ўз мижозлари билан, шунингдек валюта биржаси орқали ҳамда халқаро бозорларда сотиш ва сотиб олиш операцияларини ўтказишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси банклари валюта операцияларини, башарти валюта операцияларини бажариш учун банклар талаб этадиган тегишли ҳужжатлар резидентлар ва норезидентлар томонидан тақдим этилса, амалга ошириши шарт.

**21-модда. Валюта операцияларини ўтказишга доир чекловлар**

Марказий банк валюта операцияларини ўтказишга нисбатан:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;

тўлов балансининг барқарорлигига таҳдид мавжуд бўлган ҳолларда Халқаро валюта жамғармаси битимининг Моддалари доирасидаги мажбуриятларга риоя қилган ҳолда чекловлар жорий этиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид юзага келганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк билан келишган ҳолда валюта операцияларини ўтказишга доир чекловлар жорий этиши мумкин.

Чекловларнинг амал қилиш муддати улар жорий қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ошиши мумкин эмас. Чекловлар белгиланган муддат ўтгач, бекор қилинган деб ҳисобланади. Чекловларнинг амал қилиши муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин.

**22-модда. Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш**

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш чекловларсиз амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш юз миллион сўм эквивалентдан ортиқ бўлмаган суммада амалга оширилади. Нақд валютани белгиланган эквивалентдан ортиқ суммада олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланади, бундан Ўзбекистон Республикаси банклари мустасно.

**4-боб. Валюта назорати**

**23-модда. Валютани назорат қилувчи органлар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

**24-модда. Валютани назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Валютани назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан ўтказиладиган валюта операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлигига таааллуқли қисми бўйича назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши шарт.

Валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида:

валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилиши юзасидан текширувларни амалга оширишга;

резидентлар ва норезидентларнинг валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларининг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини текширишни белгиланган тартибда амалга оширишга;

валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни ва ахборотни сўраб олишга;

валюта операциялари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилашга;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида талабномалар тақдим этишга ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги барча резидентлар ва норезидентлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бошқа чораларни кўришга ҳақлидир.

Валютани назорат қилувчи органлар фақат ўтказилаётган валюта операциясига бевосита таааллуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Валютани назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаши шарт.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан ўтказиладиган валюта операциялари устидан валюта назоратини амалга оширади.

**25-модда. Валютани назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказиш чоғида резидентлар ҳамда норезидентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга оширувчи резидентлар ва норезидентлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

валютани назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширув материаллари билан танишиш;

валютани назорат қилувчи органларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш;

валютани назорат қилувчи органлар ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрни қопланиши.

Валюта операцияларини амалга оширувчи резидентлар ва норезидентлар:

валютани назорат қилувчи органларга сўралаётган валюта операцияларини амалга ошириш тўғрисидаги барча ҳужжатларни ва ахборотни тақдим этиши;

валютани назорат қилувчи органларга текширувлар ўтказиш жараёнида, шунингдек уларнинг натижалари бўйича тушунтиришлар бериши;

валюта операцияларининг ҳисобини юритиши ва ҳисоботларни тузиши, шунингдек уларнинг сақланишини таъминлаши;

валютани назорат қилувчи органларнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир талабларини (кўрсатмаларини, тақдимномаларини) бажариши;

валютани назорат қилувчи органларни текширувларни амалга ошираётган чоғда уларнинг ўз биноларига киришини, ҳужжатларидан ва автоматлаштирилган маълумотлар базаларидан фойдалана олишини таъминлаши шарт.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**26-модда. Валюта операциялари бўйича ҳисобдорлик**

Валюта операциялари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш тартиби, уларнинг турлари, тақдим этилиш шакли ва муддатлари Марказий банк томонидан валютани назорат қилувчи бошқа органлар билан биргаликда уларнинг ваколатлари доирасида белгиланади.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юзасидан ҳисоботлар тақдим этмайди.

**27-модда. Низоларни ҳал этиш**

Валюта операцияларини ва валюта назоратини амалга ошириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**28-модда. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қонунчилик палатаси:

# Эскирган меъёр ва қоидаларни янгилаш — ҳаётий зарурат

*Парламент қуйи палатасининг жорий йил 22 октябрь куни ўтказилган ялпи мажлисида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган қатор вазифа ва топшириқларни ўзида қамраб олган янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.*

Таъкидланганидек, ҳамма замонда ҳам одамларни ишли қилиш, аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш — давлатнинг нафақат иқтисодий аҳволини яхшилашда, балки жамиятда тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик муҳити қарор топишида муҳим омил бўлиб келган. Бандлик масаласининг шундай долзарб жиҳатлари борки, меҳнат қонунчилигини такомиллаштирмасдан туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Хўш, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси халқимизга нима беради?

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган ушбу лойиҳанинг яратилишига бир нечта объектив сабаблар туртки бўлди. Аввало, 1998 йилда қабул қилинган амалдаги Қонун меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати ва воқеликни акс эттирмас, меҳнат ҳамда бандлик соҳасидаги мавжуд муаммолар, долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган амалдаги нормалар қарийб яроқсиз ҳолга келган эди. Қолаверса, меҳнат бозорини тартибга солишнинг янги воситалари, хусусан, тадбиркорликни рағбатлантириш, ўзини ўзи банд қилиш, шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш ва ишсизларни касб-ҳунарга қайта ўқитиш, иш стажини ҳисобга олишда янги ахборот тизимларидан фойдаланиш кабилар борасида қонунчилигимиз реал ҳаётдан ортда қолаётган эди.

Кейинги йигирма йил давомида меҳнат бозорида жиддий ўзгаришлар рўй берганини ҳисобга олсак, самарасиз, эскирган меъёр ва қоидалардан иборат бўлиб қолган айни соҳадаги қонун ҳужжатларини янгилашга табиий эҳтиёж туғилди. Меҳнат миграциясини тартибга солиш билан боғлиқ янги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳаётий заруратга айланди.

Айни мақсадга эришиш учун қонунда бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий воситалари ҳисобланган Жамоат ишлари жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси каби тузилмалар фаолияти аниқ-тиниқ белгилаб берилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий жиҳати — у тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалардан ташкил топган. Яъни лойиҳа 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та Фармон ва қарорида, Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича қабул қилинган 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаган.

## Сон бор, сифат эса ҳаминқадар

Аввал хабар берганимиздек, "Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси дастлаб 2019 йилнинг 30 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланган эди.

Навбатдаги ялпи мажлисда мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди ва баҳсларга сабаб бўлди.

Лойиҳада тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш жараёнларининг тартиб ва таомилларини янада соддалаштириш, шаффофлигини ошириш кўзда тутилган.

Мавжуд бюрократик тўсиқлар бартараф этилиб, шароитлар яхшиланганини туфайли ҳозирги кунда муайян тадбиркорлик субъектини ташкил қилиш учун бир неча соат вақт кифоя қилади. Аммо амалиётда тадбиркорлик субъектлари орасида давлат рўйхатидан ўтгач, ўз фаолиятини давом эттирмайдиганлари ҳам оз эмас. Яъни сон бор, сифат масаласи эса ҳаминқадар. Фаолият кўрсатмайдиган тадбиркорлик субъектлари на ўзига, на давлатга фойда келтиради. Фаолиятини тугатиш ҳам осон иш эмас. Бошқача айтганда, амалдаги қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга етарлича имконият яратилган, бироқ уни тугатиш механизмлари ниҳоятда мураккаб, қийин ва жуда кўп вақт талаб қиладиган жараён эди. Шу сабабли тадбиркорликка қўл уришга қарор қилган ўн минглаб фуқаролар рўйхатдан ўтмай фаолият юритишни афзал кўрадилар.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра, тадбиркорлик субъектларини тугатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган, деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этиши белгиланмоқда. Яъни эндиликда тадбиркорлик субъекти шунча муддат фаолият юритмаса, тугатилиши учун асос яратиляпти.

Лойиҳада молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилиши белгиланмоқда. Ҳаракатсиз режимга ўтказилган корхоналар фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган уларни тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқариб юборади. Яъни тадбиркорлик соҳасида "ўлик жон"ларга барҳам берилади.

Якунда лойиҳа парламент қуйи палатаси томонидан муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

## Боғча тарбиясини кўрган боланинг дунёқараши бошқача бўлади

Ялпи мажлисда "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан катта қизиқиш билан кўриб чиқилди.

Депутатлар соҳада илгари мавжуд бўлмаган қонун қабул қилинаётганини инобатга олиб, уни сўзсиз қабул қилиш лозим, деган қатъий тўхтамга келдилар.

— Жойларда аҳоли, сайловчилар билан учрашувларимиз чоғида одамлар бугун боғчаларнинг кўпаяётганидан мамнун эканига гувоҳ бўлдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Раҳмонов. — Сабаби боғчалар сони ортиб, қамрови кенгаймоқда. Боғчада тарбияланган бола билан у ерда бўлмаган боланинг тарбиясида, дунёқарашида жуда катта фарқни сезасиз. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати сабаб бугун таълимда узлуксизликни таъминлаш мақсадида айнан шу тизимга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Биз депутатлар буни чуқур англаган ҳолда, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун қабул қилиш нечоғли муҳим эканини яхши биламиз.

Хўш, мазкур ҳужжат нимаси билан муҳим? Аввало, у болаларимизни ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, маънавий-эстетик, жисмоний жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Мамлакатимизда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш орқали мактабгача таълим билан болалар қамрови кўламини босқичма-босқич ошириш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар, бюджет субсидияларини ажратиш ҳамда мактабгача таълим-тарбиянинг муқобил шаклларини жорий этишга кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисда Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонуни депутатлар томонидан катта кўтаринкилик билан қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборишга қарор қилинди.

**Юнус БЎРОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ХОРИЖДАГИ ФУҚАРОЛАР ҲАМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИ

*Мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари қай тартибда ташкил этилади? Уларни тузиш ва тегишли округларга бириктириш қандай амалга оширилади?*

*Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу каби масалалар муҳокама этилди. Унда МСК аъзолари, ОАВ ва сиёсий партиялар вакиллари қатнашди.*

Таъкидланганидек, Сайлов кодексининг 10-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилиши, уларни округга бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал қилиниши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари мамлакатимизнинг Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида йигирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади. Сайлов участкаларининг сони округлар сонидан кам бўлиши мумкин эмас.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда тегишли участка комиссиясининг телефон рақамларини, жойлашган ерини ва овоз бериш биносини кўрсатган ҳолда сайловчиларни ҳар бир участканинг чегаралари тўғрисида хабардор этишни ташкил қилади.

Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузилади.

Шунингдек, хорижда вақтинча ёки доимий яшаётган фуқаролар уларнинг мурожаатларига асосан хориждаги сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритилади.

Бундан ташқари, фуқаролар Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайти орқали электрон шаклда хориждаги сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатини сайловга ўн беш кун қолгунга қадар бериши мумкин.

Йиғилишда чет эл мамлакатларида 53 та сайлов участкаси ташкил этилганлиги ҳақида маълумот берилди. Шундан 7 таси Россия Федерациясида тузилди.

Шунингдек, мажлисда ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Сайлов кампанияси даврида ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, шу кунга қадар МСКга мурожаат қилган бир қатор ОАВ вакилларига мандатлар топширилди.

Тадбир доирасида Андижон вилояти сайлов комиссияси раисининг ҳамда Андижон шаҳри сайлов округи раисининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловларга кўрилаётган тайёргарлик ишлари хусусида ахбороти тингланди.

Йиғилиш сўнгида "Saylov-2019" мобил иловасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мазкур мобил илова сайлов комиссияларининг самарали фаолияти учун қўшимча қулайлик ва имкониятлар яратади. Ундан сайловга оид қонун ҳужжатлари, сайлов комиссиялари фаоллари ҳақида маълумотлар, сайловчилар, комиссия аъзолари, сиёсий партиялар ва номзодлар ҳамда кузатувчилар учун услубий тавсиялар, сайлов фаолларининг билимини оширишга доир ўқув материаллари, китоблар ва мақолалар, сайлов мавзуси бўйича савол-жавоблар ўрин олган. Шунингдек, сайловчиларга ўз сайлов участкасини топишида кўмаклашиш учун махсус ҳавола ҳам жойлаштирилган.

**Б. ЮНУСОВ.**

# ҲИНДИСТОННИНГ ГУЖАРАТ ШТАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

←1

Бизнес форуми доирасида бўлиб ўтган икки мамлакат ишбилармон доиралар вакиллари иштирокидаги "B2B" учрашувида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, жумладан, икки мамлакат корхоналарининг алоқаларини янада жадаллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашилди. Мулоқот давомида томонлар Ҳиндистоннинг заргарлик буюмлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, қуёш панеллари, сут маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, туризм, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, муҳандислик, нефть-кимё, суғориш тизимлари, сув ва қуёш энергиясидан фойдаланиш сингари кўплаб йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**П**резидентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ҳамда "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони халқимизни ғоят хурсанд қилиб, ғурурлантириб юборди. Буни улардан айримларининг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Дил сўзи

# БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори:**

— Ҳозирги кунда Ер юзида 7 мингдан зиёд тиллар мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Ўзбек тили эса давлат тили мақомига эга тиллардан бири экани барчамизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди. Аслида миллатнинг мавжудлигини билдириб турадиган асосий мезон бу унинг она тилидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимизнинг нутқини катта ҳаяжон билан тингладик. Юртбошимиз ажойиб бир фактни келтириб ўтдилар: ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолибди. Бу нимадан далолат беради? Бу она тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб бораётганидан! Сўнгги йилларда она тилимизнинг мавқеини юксалтириш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди. Мазкур илм даргоҳидан ўзбек тилининг халқаро нуфузини янада юксалтирадиган, бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий йўлини давом эттира оладиган етук кадрлар етишиб чиқиши шарт. Бу борадаги ишларни кучайтиришда зиммамизда катта масъулият турибди.

Ўзбек тили дунёдаги ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Хорижда ҳам она тилимизни ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучаяпти. Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда. Шундай бўлса-да, она тилимизнинг мавқеини янада ошириш, унинг қўлланиш имкониятларини кенгайтириш, бу борада илмий изланишлар олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этаётир. Президентимиз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Зеро, катта йўлда катта мақсадлар билан дадил одимлаётган мамлакат, аввало, она тилининг мавқеини кучайтириши, унинг мақоми ва ўрнини мустаҳкамлаши керак. Шу боис Юртбошимизнинг мазкур ташаббусини бутун халқимиз, зиёлиларимиз катта хурсандчилик билан қарши олди.

**Обида ФАЙЗУЛЛАЕВА,**
**Гулистон давлат университети доценти, филология фанлари номзоди:**

— "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 21 октябрь — "Ўзбек тили байрами куни" сифатида белгиланганини эса барчанинг кўнглидаги орзу-ниятларнинг ижобати бўлди. Ушбу айём тилимизни улуғлаш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Айни чоғда Юртбошимизнинг давлат тилини ривожлантириш бўйича билдирган фикрларидан биз — бўлажак она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларини тайёрлайдиган педагоглар зиммамиздаги вазифа ва масъулият нақадар катталигини яна бир бор чуқур англадик. Эртага она тилидан сабоқ берадиган ўқитувчиларнинг қандай кадрлар бўлиб етишиши биз, ўқитувчиларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис она тилимизнинг бой имкониятларини талабаларга чуқур ўргатишимиз, уларнинг пухта билим олишлари йўлида бор билим ва тажрибаларимизни сафарбар қилишимиз лозим.

**«Халқ сўзи».**

# МИЛЛАТНИНГ СУЯНЧ ТОҒИ

←1

Тўғри-да, илдизи Ўрхун-Энасой битикларидан ҳам нарига ўтиб кетган, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби юз-юзлаб улуғ даҳоларни дунёга берган, Ер юзидаги энг қадимий тиллар қаторидаги ўзбек тилимизни бугундан эътиборан ҳар йили КАТТА байрам қиламиз-у, тўлқинланмай бўладими?!

Бунинг устига, Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини айтмайсизми?! Кеча матбуотда эълон қилинган бу ҳужжат ҳам чин маънода тарихийдир. Унда ўзбек тилининг ўмганини кўтаргувчи барча саволу муаммоларнинг жавоблари жой-жойида кўрсатиб берилганки, мана буни энди ҳеч беиштибоҳ бутун миллат қалбида анча йиллардан бери ушалмай армон бўлиб келаётган эзгу ниятларнинг афиф аъмоли, деса арзийди.

Энди она тилимизнинг бугуни, эртаси, олис келажаги билан шуғулланадиган, унинг тақдирига жавоб берадиган масъул идора — Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилади. Вазирлар Маҳкамаси таркибида бўладиган мазкур тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини доимий равишда назорат қилади, соҳага доир муаммоларни таҳлил қилиб, ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди. Тилимизнинг мусаффолигини сақлаш баробарида, глобаллашув шароитида ҳаётимизга кириб келаётган фан-техникаю, бошқа соҳаларга оид янги тушунчалар, сўзлар ва ибораларнинг ўзбекча замонавий муқобилини топади. Шу муносабат билан янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга солувчи Атамалар комиссияси тузилади.

Фармонда ҳозир юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ умргузаронлик қилиб келаётгани, уларга ўз она тилини, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириш учун ҳам мислсиз ғамхўрликлар қилиш лозимлиги кўрсатилганки, Ўзбекистоннинг бундай бағрикенглик сиёсати ўлкамиздаги барча ватандошларимизга олам-олам қувонч бағишлайди.

Яна бир муҳим масала — тил тўғрисидаги амалда бўлган Қонун ҳам бугунги кун талабларига тўла мос келмаслиги, уни такомиллаштириш зарурлиги ҳам Фармонда таъкидланган.

Аёнки, ҳаёт бугун давлат ва жамиятнинг барча соҳасида она тилимиз мавқеини оширишни талаб қилаётир. Хусусан, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, тиббиёт, ҳарбий соҳа, банк-молия, юриспруденция, фундаментал тадқиқотлар каби яна кўплаб тармоқларда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Бундан ташқари, дарсликлар, луғатлар, сўзлашув қўлланмалари, ўзбек тилининг компьютер дастурлари, электрон луғатлар, онлайн дарсликларни яратиш, жой номларини белгилаш, маънавиятимизга ёт мазмун ва шакллардаги турли-туман реклама ва лавҳаларнинг хорижий тилларда акс эттирилишига йўл қўймаслик каби юмушларни қай йўсинда амалга ошириш йўллари ҳам Фармонда кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонимиз яқинда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб кирганида миллион-миллион ватандошларимиз қатори менинг қалбим ҳам фахру ифтихорга тўлган эди. Президентимизнинг ўзбек тилининг шону шавкатига бағишланган тарихий маърузаси ва Фармонидан кейин бутун миллатнинг кўкси тоғдай кўтарилди. Илло, Ер юзининг барча давлатларида тил — миллатнинг суянч тоғидир.

**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

Ифтихор

# ҚАДРИЯТЛАРНИ ЮРТНИНГ ВАТАНПАРВАРЛАРИ ҚАДРЛАЙДИ

*Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тадбирлар ўзгача руҳда, кўтаринки кайфиятда ўтди. "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганидан буён бу кун биринчи марта ҳақиқий байрамга айланди. Даставвал тил байрамининг давлат миқёсида нишонланаётгани ҳақидаги хабарнинг ўзи қалбларни қанчалик қувонтирган бўлса, унинг муҳташам, улуғвор, ниҳоятда салобатли ва гўзал кошонада ўтказилиши шодликни ҳайратларга қориштириб юборди.*

Пойтахтимиз марказида қад ростлаган, "Тошкент Сити" номи билан машҳур шаҳарчага қадам қўяр эканмиз, барчани ҳайрат ва қувонч чулғаб олди. Бу юз-кўзлардан яққол сезилди.

Тил байрами илк бор куч-қудратимиз, салоҳиятимиздан дарак берувчи мўъжизалар макони — Халқаро Конгресс марказида нишонланди. Янги саройда биринчи марта файзли байрам она тилимизга давлат тили мақоми берилган кун тантана қилинганида ҳам катта маъно-мазмун, ҳикмат мужассам.

Президентимиз она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанада "Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг алларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тутсин", дедилар.

Ҳақиқатан ҳам, тил миллатни дунёга танитади. Урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар қадр топади. Кейинги пайтларда она тилимизнинг жамиятдаги ўрни, нуфузини оширишга катта эътибор берилаяпти.

Юртимизда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани соҳа ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этса, атоқли шоир ва ёзувчилар номидаги ўнлаб ижод мактаблари ёшларимизга ўзбек тили ва адабиётининг нодир хазиналаридан баҳраманд бўлиш, ижод этиш имконини бермоқда.

Зеро, маънавиятимиз тилимизга бўлган муносабатда намоён бўлади. Айнан она тили инсоннинг маънавиятини бойитади. Ахир жамики эзгу ниятлар вужудимизга она алласи, она тилининг сеҳри билан сингган. Она тилимизга ҳурмат руҳини биз ҳам оилада фарзандларимиз шуурига сингдирсак, тилимизни севадиган, қадрлайдиган, асрайдиган авлодни вояга етказган бўламиз.

Қадриятларни юртнинг ватанпарварлари қадрлайди, Она тили эса улуғ қадрият. Уни ватанпарвар фарзандлар юксалтиради.

**Комила КАРОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Илдизларимиз сув ичадиган сарчашма

←1

Куни кеча "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали байрам тадбирида давлатимиз раҳбари шу хусусда куюнчаклик билан гапирди.

"Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу — бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди, — деди Президентимиз ўз нутқида. — Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур".

Тилимизни турли хатарлардан асраш — ҳар бир ўзбекнинг, шу юрт фарзандининг виждоний бурчи эканлигини унутмаслик керак. Айниқса, биз, сенаторлар бу борада энг биринчилардан бўлиб, тарғибот ишларини олиб боришга масъулмиз.

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Сурхондарё вилояти:

# ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ВОҲАНИНГ ҲАҚИҚИЙ САЛОҲИЯТИГА МОС ЭМАС





*Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17-18 октябрь кунлари Сурхондарёга амалга оширган навбатдаги ташрифи ислоҳотлар самарасини бугун ўз ҳаётлари мисолида кўраётган, ҳис қилаётган вилоят аҳли интилишларига янада шижоат бахш этди. Буни улардан айримларининг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

## Муносабат

**Алишер НОРҚОБИЛОВ, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Сурхондарё вилояти бўлинмаси раҳбари:**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда Сурхондарёда ўсиш суръатлари вилоятнинг ҳақиқий салоҳияти учун етарли эмаслигини алоҳида таъкидлади. Халқимизнинг фаровон турмушини яратиш бўйича катта-катта ғоя ва режалар асосида қарорлар қабул қилинишига қарамай, унинг ижросини таъминлашда қуйи тизим ва тармоқлар раҳбарларининг сусткашлиги қаттиқ танқид остига олинди. Қайд этилганидек, ҳудудий раҳбарлар “қотиб қолган”, уларда шижоат ва фаоллик етишмаяпти. Айниқса, ҳокимларни тайёрлаш мактаби йўқлиги, раҳбарлар билими ва малакасини оширувчи механизм етарли самара бермаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Айрим вазирлик ва тизим раҳбарларининг Сурхон воҳасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда ҳам кам бўляпти, деди Президентимиз. Жумладан, биргина саноат кўрсаткичлари бўйича Сурхондарё мамлакатимизда энг охирги ўринда эканлигига алоҳида урғу берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир вазир, соҳа ва тармоқлар раҳбарларига йил якунигача ва келгуси йилда Сурхондарё учун нималар қилишни аниқ ёзиб, вилоят ҳокимлигига тақдим қилиши юзасидан топшириқлар берилди.

Бу масъулият фақат раҳбарларнинг эмас, аслида ҳар бир сурхондарёликнинг зиммасида. Кўҳна заминимизни обод қилиш, унинг янада тараққий этиши, ривожланиши учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича ҳисса қўшишимиз зарур.



**Дилбар СУВОНОВА, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати:**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарёга ташрифи доирасида ўтказилган йиғилиш танқидий-таҳлилий руҳда бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари сўнгги бир йилда вилоятга учинчи маротаба келгани ҳақида тўхталиб, Сурхондарё мисолида барча раҳбарларга ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, уларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда уни тўлиқ ишга солишни кўрсатиб беришдир, деди.

Йиғилишда одамларни рози қилиш, уларнинг реал даромадларини оширишнинг аниқ йўналишларига эътибор қаратилди. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар оқимини кенгайтириш, янги завод ва корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақида куюнчаклик билан сўзлади. Бугунги кунда чет элда меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни Ватанга қайтариш учун шароит яратиш, бунинг учун ҳар бир раҳбар шахсан масъул эканлигини, камчиликларни муҳокама қилиш эмас, унинг ечимини топиш, ҳал этиш муҳимлигини бот-бот таъкидлади. Сиёсатимизнинг мазмуни, мақсади оддий: меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. Йиғилишда бевосита иштирок этиб, Президентимизнинг аҳолининг бугуни ва эртасини ўйлаб олиб бораётган халқчил сиёсатидан бениҳоя руҳландим. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қиламиз.

Умуман, Президентимизнинг минтақаларга ташрифи тажриба орттириш бўйича ўзига хос сабоқ бўлмоқда.

**Дилфуза ЖЎРАЕВА, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи:**

— “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси фаолияти билан яқиндан танишар экан, Юртбошимиз, марказ, аввало, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш баробарида оилалар, аёлларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади. Оила институтини ривожлантириш, оила ва оилавий қадриятлар бўйича мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, то олий ўқув юртларигача қамраб олган ҳолда, узлуксиз тарғибот ишларини олиб бориш кераклигини алоҳида қайд этди.

Шуни айтиш керакки, ҳозир вилоятимизда 600 мингга яқин оилалар мавжуд. Шундан 149 мингдан зиёди ёш оилалар. Марказимиз қошида махсус ўқув курслари ҳамда бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби ташкил этилган бўлиб, ўқув машғулотларига тажрибали психолог, социолог, ҳуқуқшунослар ва диншунослар, репродуктив марказ мутахассислари жалб этилган. Қисқача айтганда, Президентимиз томонидан қўйилаётган масъулиятли вазифани жамоамиз билан сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

**Сайфулла ТУРСУНОВ, Термиз давлат университети профессори:**

— Бундан икки йил аввал Шеробод туманидаги Исо Термизий ёдгорлик мажмуаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан обод масканга айлантирилганди. Айниқса, 2017 йил 14 февралда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорга биноан Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилгани бутун жамоатчилигимиз учун қувончли воқеа бўлди. Марказ биносининг очилиш маросимида қатнашган Президентимиз бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиш асносида буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, аллома ёзиб қолдирган маънавий меросни ёш авлодга етказиш бўйича ўз тавсияларини берди.

Рости, мен бир тарихчи олим сифатида Имом Термизийга кўрсатилаётган юксак эҳтиромдан беҳад шодландим. Башарият тамаддуни — илм-фан, санъат ва маданият ривожини таъминлашда муқаддас заминимизда камолга етган олиму фузалоларнинг алоҳида ўрни бор. Улар қолдирган бой илмий-маънавий мерос билан биз ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

***2019/2020 ўқув йилига кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент лавозимларига танлов эълон қилади.***

**Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар факультети бўйича:**
- Ижтимоий фанлар кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи.
- Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
- Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажер.
- Кўприклар, тоннеллар ва йўлўтказгичлар кафедраси: кафедра мудири, доцент, ассистент.
- Шаҳар йўллари ва кўчалари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.
- Муҳандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
- Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш: катта ўқитувчи.

**Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:**
- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозларини таъмирлаш ва эксплуатацияси кафедраси: ўқитувчи-стажер.
- Автомобиль транспорти эксплуатацияси кафедраси: ассистент.
- Экология ва ички ёнув двигателлари: катта ўқитувчи, ассистент.
- Транспорт логистикаси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Транспорт воситалари кафедраси: доцент.
- Амалий механика кафедраси: катта ўқитувчи.
- Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.

**Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:**
— ректор номига ариза;
— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— маълумотнома (объективка);
— диплом ва аттестатлар, илмий даражаси ҳамда илмий унвони нусхалари;
— малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
— илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
— паспорт нусхаси.

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.**

***Эслатма:*** *мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради. Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.*
***Манзил:*** *Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, ходимлар бўлими, 302-хона. Телефон: 71-232-15-29.*

**«C and H Industry» МЧЖ ХК**
**Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг**

***Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:***

*Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).*
*Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).*

**Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.**

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**
Ғилдиракли экскаваторлар | Занжирли экскаваторлар

**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)**
фронтал юклагичлар | Экскаватор-юклагичлар | Автогрейдерлар | Катоклар



***Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.***

**Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.**

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).**
**Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6